

“ТОВОҚСОЙ”

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари
бўйлаб пиёда/отда саёҳат
ДАСТУРИ

*Маршрут: Тошкент вилояти
Бўстонлик тумани (Товоқсой
қишлоғи)*

Давомийлиги: 2 кун.

*Транспорт: Микроавтобусда
Тошкент вилоятига борилади ва
экскурсия пиёда ва отда давом
эттирилади.*

Тошкент ш., Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 34-уй

Телефонлар: +998712319942, +998951776250

E-mail: info@traveladvisor.uz

Тошкент – Бўстонлик – Товоқсой – Тошкент

ТОВОҚСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда/отда саёҳат

ДАСТУРИ

Маршрут: Тошкент вилояти Бўстонлик тумани (Товоқсой қишлоғи)

Давомийлиги: 2 кун.

Транспорт: Микроавтобусда Тошкент вилоятига борилади ва экскурсия пиёда ва отда давом эттирилади.

Қисқача мазмуни: Сайёҳат давомида, Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг сўлим гўшалари, жумладан 20-метрлик шаршара, сўқмоқ йўл бўйлаб отда ва яёв юриш, Қизилмой чўққиси, вулқонни оғзи, Товоқсой қишлоғидаги Альпинизм музейига саёҳатлар уюштирилади (*саёҳат дастури асосан ёшларга мўлжалланган*).

Вақти (Давомийлиги)	Объект
1-кун	
7:00	Тошкент шаҳрида “Тошкент темирйўл вокзалида” йиғилиш ва ва Тошкент вилоятига жўнаб кетиш
7:00-8:00 (60 дақиқа)	Тошкент вилояти Бўстонлик туманига етиб бориш
8:00 - 17:00	Товоқсой - Қизилмой чўққиси (Катта шаршара устида)-Паргос дарасида турли ўлчамдаги шарсимон шаклдаги вулқон жисмлари қолдиқларини томоша қилиб отда ёки пиёда юриш (гуруҳнинг талабидан келиб чиқиб, тушлик ва қисқа дам олишлар ташкил этилади)
17:00	Катта шаршара устидаги Платонинг юқори чўққисида чодирлар (палатка) ўрнатиб, тунаб қолинади ва кечки овқат ташкил этилади.
2-кун	
7:00-8:00 (60 дақиқа)	Нонушта ва атрофни томоша қилиш
8:00-17:00	Ортга қайтиш (тушлик, қисқа дам олишлар, гузал манзараларда фото суратга тушиш ва б.)
17:00 – 17:30	Товоқсой қишлоғида Альпинизм музейига экскурсия
17:30-18:30	Тошкент шаҳрига етиб келиш

ТОВОҚСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда/отда саёхат ДАСТУРИ

Тошкент – Бўстонлик – Товоқсой – Тошкент

Бўстонлик тумани

Бўстонлик тумани – Тянь-шань тоғ тизимидаги Угом, Писком, қисман Қоржонтов, Чатқол тизмалари оралиғида жойлашган гўзал табиатга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Чирчиқ дарёсининг ирмоқлари бўлиб, Писком, Угом, Кўксув, Чатқол, Оқтош, Чимён ва бошқа дарё ва сойлари мавжуд. Писком ва Чатқол дарёлари қўшилган жойда Чорвоқ сув омбори барпо этилган. Ҳудудда баланд тоғ арча ўрмонлари бўлиб, ўрмонзорларнинг аксари қисми ўрмончилар томонидан барпо қилинган. Баҳор ойларида турли ўт-ўланлар, лола, чучмома, бойчечак атрофни гиламдек қоплаб ажиб бир манзара ҳосил қилади. Ёввойи ҳайвонлардан тўнғиз, айиқ, бўри, тулки, бўрсик, қушлардан қораялоқ, зағизгон, каклик, ўрдакни учратиш мумкин.



1-кун. Тошкент – Бўстонлик – Товоқсой.

7:00 - Тошкент шаҳридан жўнаб кетиш (*Тошкент темирйўл вокзалида йиғилиш*).

8:00 - Тошкент вилояти Бўстонлик туманига етиб бориш.

8:15 - Бироз хордиқ чиқариш ва экскурсияга тайёргарлик кўриш.

8:20 – Экскурсияни “Товоқсой” қишлоғидан бошлаш.

ТОВОҚСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда/отда саёхат ДАСТУРИ

Тошкент – Бўстонлик – Товоқсой – Тошкент

Товоқсой

Товоқсой - табиат гўзалиги билан бир қаторда мафтункор шаршара ва каньёнларни жамлаган ажойиб жой бўлиб, баъзан бундай кичик тоғларда шундай улуғвор шаршаралар бўлиши мумкинлигига ишоналмайсиз. Қишда турли муваффақиятли комбинацияси билан бир мунча вақт давомида шаршаралар турли шаклдаги музлар билан тўлиб тошади. Товоқсойга баҳор бошқа тоғли жойларга қараганда эрта келади ва баҳорда тоғларда сув кўпайиб, биринчи гуллар ҳам шу жойда гул очади. Тошлардан холи бўлган барча жойлар яшил парда билан қоплангандек баъзан эса ёрқин долалар билан қопланади. Бу жой шаҳар атрофидаги дам олишни севувчилар учун жуда жозибали ҳисобланади.



8:00 – 13:00 Тovoқсой - Қизилмой чўққиси (Катта шаршара устида) Паргос дарасида турли ўлчамдаги шарсимон шаклдаги вулқон жисмлари қолдиқларини томоша қилиб отда ёки пиёда юриш.

13:00 - 14:30 – Тушлик ва қисқа дам олиш

14:30 - 17:30 – Экскурсияни давом эттириш.

ТОВОҚСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда/отда саёҳат ДАСТУРИ

Тошкент – Бўстонлик – Товоқсой – Тошкент

Экскурсия давомида - Туя тоғини, ажойиб манзараларни, улкан дара ва шаршараларни (40 м) кўриш мумкин. Экскурсия йўналиши шаршаралар ва даралар гўзаллиги билан ажралиб туради. Уларнинг кўрки шунчаки ажойиб, атрофда кўтарилган улуғвор қоялар узра сув ўз йўлини топиб, бу ажойиб манзарани яратганига гувоҳ бўлиш мумкин



17:30 - Катта шаршара устидаги Платонинг юқори чўққисига етиб бориш.

17:30 - 18:30 – Тунаб қолиш учун чодирлар (палатка) ўрнатиш.

18:30 – 19:30 – Кечки овқат ва дам олиш.

2-кун. Товоқсой - Бўстонлик - Тошкент.

8:00 - 10:00 – Нонушта ва атрофни томоша қилиш.

10:00 - 17:00 - Ортга қайтиш (тушлик, қиска дам олишлар, гузал манзараларда фото суратга тушиш ва б.).

17:00 - 17:30 - Товоқсой қишлоғида Альпинизм музейига ташриф.

ТОВОҚСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда/отда саёхат ДАСТУРИ

Тошкент – Бўстонлик – Товоқсой – Тошкент

Альпинизм Музеи

Музей экспозицияси машҳур альпинист, спорт устаси Георгий Калинин бошчилигидаги альпинизм ишқибозлари гуруҳи томонидан яратилган. Музей экспозициясига турли замонлардан хужжатлар, фотосуратлар, альпинизм ускуналари элементлари, олис тоғ чўққиларидан топилган топилмалар киритилган. Музейга Владимир Рацек номи берилган. (Владимир Рацекнинг миллати Чех бўлиб, ўтган асрнинг 30-70-йилларида Ўрта Осиё тоғларида альпинизм экспедицияларининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган. Ўзбекистон альпинизм Федерациясининг раиси бўлган, География фанлари номзоди, СССР Журналистлари уюшмаси аъзоси, Бутуниттифоқ География жамиятининг фахрий аъзоси, ушбу спорт турини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган).



17:30 - 18:30 - Тошкент шахрига етиб келиш.

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

1.Йўналишнинг асосий кўрсаткичлари

Йўналиш номи:	“Товоқсой”
Туристтик йўналиш тури:	“яёв-туризм”
Йўналиш узунлиги:	156 км.
Шу жумладан пиёда:	16 км.
Транспорт воситасида	140 км.
Саёҳат давомийлиги:	2 кун.
Гуруҳдаги сайёҳларнинг минимал сони:	6 киши.
Саёҳат нархи:	2 340 000 сўм
Бир ойда олиб бориладиган гуруҳлар сони:	1 та.
Шу жумладан,	Март 1 та
	Апрель 1 та
	Май 1 та

Сайёҳларга тарқатиладиган тарқатма материаллар турлари: (2 хил) Саёҳат дастур ва саёҳат йўриқномаси.

Туристтик йўналиш ёки алоҳида объектни қайси дастур орқали тарғибот қилиниши: ташкилотнинг расмий веб-саҳифасида, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида, телеграм каналида ҳамда рекламага ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқларида ва билбордларда.

Туристтик саёҳат бошланадиган туристик объект манзили: Тошкент вилояти ТОВОҚСОЙ қишлоғи.

ТОВОҚСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда/отда саёҳат ДАСТУРИ

2. Йўналишда сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича дастур

№	Ташриф бериладиган ҳудудлар номи	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган объектлар номи	Режалаштирилган туристик хизматлар тури	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган овқатланиш шаҳобчалари номи	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган жойлаштириш воситалари номи
1.	Тошкент вилояти		Транспорт хизмати	Жойида ташкил қилинади	Чодир (палатка)
1.1.	Бўстонлик тумани		Гид (йўлбошловчи) хизмати		
1.2.	Товоқсой қишлоғи	Катта шаршара, Қизилмой чўққиси, Вулқонни оғзи, Ўзбекистон Альпинизм музейи,	Отда юриш хизмати (зарур бўлса)		

3. Туристтик саёҳат таъминоти режаси корхонанинг раҳбари:

№	Ташриф буюриладиган объектлар номи	Туризм хизмати тури	Бир сайёҳ учун нархи	10 кишилик гуруҳ учун нархи
1.	Катта шаршара	Транспорт хизмати	75 000 сўм	750 000 сўм
2.	Қизилмой чўққиси	Гид йўлбошловчи хизмати	100 000 сўм	1 000 000 сўм
3.	Вулқонни оғзи	Жойлаштириш хизмати	50 000 сўм	500 000 сўм
4.	Ўзбекистон Альпинизм музейи	Музейга кириш	5 000 сўм	50 000 сўм
5.	Овқатланиш	Нонушта, Тушлик ва кечки овқат	160 000 сўм	1 600 000 сўм
6.	Жами		390 000 сўм	3 900 000 сўм

*** Дастур жараёнида от ижара хизматидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Хизматнинг нархи кунига 250 000 сўмдан бошланади. Шунда дастур нархи 1 киши учун 640 000 сўмни ташкил қилади.

“TRAVEL ADVISOR” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган
янги туризм маршрутларни ТАРҒИБ ҚИЛИШ
РЕЖАСИ

"TRAVEL ADVISOR" МЧЖ «Товоқсой» янги сайёҳлик маршрутини ташкил қилиш, амалга ошириш, реклама ва тарғиб қилиш бўйича маркетинг режасини тақдим этади.

Биз мавжуд бўлган барча манбаалар ва ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда, маҳаллий ва чет эл сайёҳларга, мижозларимиз ҳамда бизнес шерикларимиз учун дастур бўйича босма ва электрон материаларимизни тақдим этиш масаласида батафсил ёндашишга қарор қилдик.

Бизнинг режамизга асосан биринчи қадам бу - сайёҳларга тарқатиладиган Саёҳат дастури, саёҳат йўриқномаларини, босма ва электрон материаллар (видео роликлар ва фотолар) ишлаб чиқиш.

Иккинчи қадам бу – ушбу туристик йўналиш ёки алоҳида объектларни компаниямизнинг расмий веб-саҳифаси charvak.uz да, [facebook](https://www.facebook.com/charvak.travel) ва [Instagram](https://www.instagram.com/charvak.travel) ижтимоий тармоқлардаги компаниямизнинг саҳифаларида ([fb.com/charvak.travel](https://www.facebook.com/charvak.travel) бизнес саҳифасида ҳозирги кунда 2000 га яқин обуначилар мавжуд), чет эл ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш учун пуллик промоушнлар ва реклама кампанияларини ўтказиш, компаниямизнинг [Telegram](https://t.me/charvak_uz) канали (https://t.me/charvak_uz), [Telegram](https://www.telegram.uz) Ўзбекистон туроператорлар гуруҳида (500 дан ортиқ туркомпаниялар гуруҳи) ҳамда туризмга ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқлар (tripadvisor.com, mytrip.com, [Google Ads](https://www.google.com/ads) ва бошқалар) орқали ушбу дастур тарғибот қилинишини режалаштирганмиз.

Вебсайт: www.charvak.uz

Facebook.com: [@charvak.travel](https://www.facebook.com/charvak.travel)

Telegram: [@charvak_uz](https://t.me/charvak_uz)

ТОВОҚСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда/отда саёҳат ДАСТУРИ

“TRAVEL ADVISOR” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган янги туризм маршрутларни ТАРҒИБ ҚИЛИШ РЕЖАСИ

т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	2021 йил											
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Янги туризм маршрутлари бўйича алоҳида тақдимот ва тарқатма материаллари лойиҳасини тайёрлаш.												
2	Тақдимот ва тарқатма материалларни электрон шаклда ташкилотнинг расмий веб-саҳифасига, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига, телеграм каналига ҳамда рекламага ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқларига жойлаштириш.												
3	Туризм маршрутлари бўйича қисқа видео роликлар тайёрлаш.												
4	Видео роликларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.												
5	Туризм маршрутлари бўйича реклама баннерларини тайёрлаш.												
6	Реклама баннерларини билбордларга жойлаштириш.												
7	Фаол тарғибот кампаниясини олиб бориш												

Туристтик саёҳат ташкил этувчи корхона манзили: 100100, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 34-уй.

3.Туристтик саёҳат ташкил этувчи корхонанинг раҳбари: Юнусов Фарҳад Зоҳидович